Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 23 июль сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 151 (2979)

## Польшада иқтисодиётимиз кўргазмаси

Польша савдо палатасида Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Польша иқтисодиёт вазирлиги ва мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари А. Шараварски, савдо палатаси вице-президенти В.Дончик ҳамда Польша ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Польшалик ишбилармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар жараёни, чет эл инвестициялари учун яратилган қулай шароитлар ва ўзаро ҳамкорлик учун истиқболли соҳалар хусусида тўлиқ маълумот олдилар.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган «Будимекс», «Бумар», «Абпланалп Консалтинг» каби поляк компаниялари вакиллари ҳамюртларига Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг афзалликлари хусусида гапириб берди.

Тадбирда нутқ сўзлаган А. Шараварски Марказий Осиёнинг жаҳон ҳамжамиятида ортиб бораётган аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш муҳим вазифа эканини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

# МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



*Тошкентлик бинокорлар республикамиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги шарафига яна бир ажойиб туҳфа ҳозирламоқдалар. Бу шаҳар кичик ҳалқа йўлининг узвий қисми — Усмон Носир ва «Фарҳод» кўчалари туташган чорраҳада қурилаётган улкан кўприкдир. Унинг узунлиги 137 метр, эни 34 метрга тенгдир.*

*Қурувчилар замонавий услубдаги янги иншоотни нисбатан қисқа фурсатда барпо этдилар. Бунда қудратли техника воситалари кучидан унумли фойдаланиш, аввалги йиллар тажрибасини қўллаш муҳим аҳамият касб этди. Энг муҳими, кўприкни қуриш жараёнида унинг ён-атрофини қайтадан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор қаратилди.*

*Айни кезларда кўприкда пардозлаш ишлари, айланма йўлларни асфальтлаштириш, ёритиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш жиҳозларини ўрнатиш қизғин давом этмоқда.*





**СУРАТЛАРДА:** шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш корхонасининг асфальт ётқизувчиси Шукрулло Ҳамроев; қурилишдан лавҳалар.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## Шартнома — бу мажбурият!

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида гапирилган эди

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида давлат билан хўжалик ўртасида имзоланадиган контрактация шартномаси ҳамда хўжалик билан оилавий пудрат вакили ўртасида тузиладиган шартнома хусусида батафсил тўхталиб, жумладан, шундай деди: **«Ҳосилнинг тақдири, яъни керакли миқдордаги ғаллага, пахтага, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эга бўламизми-йўқми — бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилишига, бир томондан, хўжалик-ширкат, иккинчи томондан эса, пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тўлиқ адо этишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак».** Бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини, нечоғли ҳаётий эканлигини Ҳусанбой Қозоқов — Уйчи туманидаги А.Мўминов номли ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси фаолияти мисолида яққол кўришимиз мумкин.

— Уч йилдан буён шартнома асосида ғалла етиштираяпман, — дейди у. — Ўтган давр ичида шундай қатъий хулосага келдим: агар ҳар икки томон шартномада кўзда тутилган жамики мажбуриятларини тўласинча бажарса, биринчидан, пудратчи етиштирилган ҳосилдан ўз улушини албатта олади, иккинчидан, бошқарув раисининг юзи ёруғ бўлади. Юзи ёруғ раҳбар эса ҳамиша одамларни ўз ортидан эргаштириб, кўзлаган манзилига етиб боради.

2002 йил учун хўжалик билан оилавий пудрат вакили ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, Ҳусанбой 5,4 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан, жами 29,2 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, унинг ҳаммасини давлат қабул пунктига топшириши керак эди. Амалда ҳосилдорлик 75 центнерни ташкил этди. Натижада белгиланганидан 11 тоннаю 420 килограмм кўп ғалла хирмони уйилди.

— Келишганимиздек, мана шу 11 тоннаю 420 килограмм ҳосил — сеники, — деди бошқарув раиси Тоҳиржон Исматуллаев. — Қани, ука, омборинг тайёрми? — у жавоб ҳам кутмасдан, Ҳусанбойнинг қўлига юк хатини тутқаздида, ўзини кузови буғдойга тўла «КамАЗ»нинг кабинасига таклиф қилди. Ҳайдовчига эса машинани тўғри пудратчининг уйига ҳайдашни буюрди...

11 тоннаю 420 килограмм дон! Эҳ-ҳе, шунча буғдой машинадан ағдарилса, ўзиям тоғ бўлиб кетар экан-ов!... Ҳусанбой Қозоқов бола-чақаларини ёнига олиб, ҳовлига тўкилган ғаллани омборига саранжомлаб олгунча қазноқдаги хўроз тонг отганидан дарак бериб қичқиришга улгурди.

Бу пудратчининг бутун даромади фақат ана шу омборидаги ғалла эмас. У, шартномада белгиланганидек, ҳосилни йиғиштириб олгунча ойма-ой бўнак пули олган эди. Энди унга давлатга сотган донининг ҳақи билан бирга дивиденд ҳам берилади. Чунки хомаки ҳисоб-китобларга кўра, ширкат хўжалиги уруғликнинг ўзидан 50 миллион сўм соф фойда олиши кўзда тутилаяпти.

— Жами 56 нафар оилавий пудратчи ширкат хўжалигимиз билан шартнома тузган эди, — изоҳ берди раис. — Бугунгача уларнинг ҳаммаси шартномавий режасини ошириб уддалади. Тўғри, ҳосилдорлик борасида Ҳусанбой Қозоқов пешқадамлик қилди. Отасига раҳмат! Аммо Исроил Муродов, Садриддин Турдиев сингари ўнлаб пудратчиларимиз ҳам гектар ҳисобига 60-68 центнердан ҳосил уйиб, ўзларининг нималарга қодирлигини амалда исботладилар. Натижада хўжалигимиз бўйича мавжуд 280 гектар ердан 1600 тонна дон йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик эса қарийб 60 центнерга етди.

— Раису ҳамкасбимнинг гапига эътибор бердингизми? — суҳбатга қўшилди пудратчи Садриддин Турдиев. — Шартнома шартларини бажариш бугун ҳаммамиз учун қоида бўлиб қолди. Ютуқларимизнинг боиси шунда. Масалан, хўжалик томонини олиб кўрайлик. Ширкат бизга зўр уруғ берди, ҳар гектар ҳисобига 1 тоннадан ўғит билан таъминлади, сувнинг узилишига йўл қўймади, техникадан беками-кўст ёрдамлашди. «Қарс икки қўлдан» деганлари шу-да. Бўлмаса, ҳозир қай биримизнинг тилимиз бунчалик бийрон бўларди?

— «Ширкат зўр уруғ берди», дедингиз. Сиз қайси нав уруғини назарда тутаяпсиз? — сўрадик Садриддиндан.

— «Крошка»ни-да, — деди у ўйлаб ўтирмасдан. — Аммо бир нарсани айтиб қўяй: унинг уруғлигини ўзимиз етиштирганмиз.

Шунда беихтиёр чортоқлик машҳур ғаллакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдували Абдураҳимовнинг уч-тўрт йил аввал армон ила айтган мана бу сўзлари ёдимизга тушди:

— Қанийди, еримиз ва иқлимимиз шароитига мос уруғлик етиштиришнинг уддасидан тезроқ чиқолсак...

Гап шундаки, ўша пайтда зарур уруғликнинг атиги 20 фоизигина вилоят хўжаликларида жамғарилар, қолган қисми эса четдан келтириларди. Ҳозир бу борада аҳвол қандай? Шу савол билан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Носиржон Отахоновга мурожаат қилдик.

— Халқимизнинг «Ўзингда йўқ, оламда йўқ» деган доно гапи бор, — деди у. — Ғаллачиликнинг эртаси серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, иқлим ва тупроқ шароитига мос навларга боғлиқлигини биз, мутахассислар яхши билсак-да, уларнинг таъминоти масаласига келганда, илгари доимо деҳқонлар олдида мулзам бўлиб қолардик. Айниқса, деҳқончиликда оилавий пудрат усули жорий этилиб, икки томонлама шартнома тузиш тамойилга айланганда, айни шу масала долзарб бўлиб қолди. Чунки пудратчилар «Бизга шартномада кўрсатилган тоза ва серҳосил нав уруғини беринг!» дея қатъий талаб қила бошладилар. Албатта, улар ҳақ эди. Шу боис Наманганда бевосита уруғчилик ва селекция ишлари билан шуғулланадиган «Олтин замин» илмий-ишлаб чиқариш департаментини ташкил этдик. Олим ва мутахассислар, тегишли идоралар ва тажрибали ғаллакорларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам мазкур ишга йўналтирилди. Пировардида ўтган йил ҳосили учун ўзимизда 8 минг тонна юқори сифатли ғалла уруғи тайёрланган бўлса, жорий йилга келиб, бу кўрсаткич 19 минг тоннани ташкил этди. Бошқача айтганда, мавжуд хўжаликларнинг уруғликка бўлган эҳтиёжи 100 фоиз қопланди. Натижами? Икки йил ичида вилоятда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 14 центнер кўпайиб, 48 центнерга етди. Ҳатто чортоқлик ғаллакор Авазбек Абдураҳимов «Балтазар»дан 112 центнер, норинлик Тўлқинбек Қурбонов «Крошка»дан 105 центнер, ўнлаб пудратчилар эса «Ғайрат» навидан 80 центнердан зиёд ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Эътиборлиси, биз келгуси йил ҳосили учун ҳам етарли миқдорда уруғлик тайёрлаб қўйдик. Унинг 85 тоннаси супер элитадир.

Буларнинг ҳаммаси давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон, фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатлар фақат шартнома асосида қурилгани ҳамда шу асосда иш юритилгани натижаси, таъбир жоиз бўлса, шартноманинг жозибали кучи самараси эмасми? Бугун наманганликлар ғаллачиликда эришилган ютуқларга айни шу нарса омил бўлганини таъкидламоқдалар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Швейцариялик банкирлар ташрифи

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Швейцария Миллий банкининг президенти бошчилигидаги мазкур банк делегацияси ташриф буюрди.*

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Швейцария Конфедерацияси ўртасида молиявий соҳадаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли тарзда ривожланаётгани таъкидланди.

Швейцария томони мамлакатимизнинг Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлигига юқори баҳо берди. Бу алоқалар Ўзбекистоннинг бошқа халқаро молия ташкилотлари билан муносабатларини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Меҳмонлар мамлакатимиздаги макроиқтисодий вазият, шу жумладан, ялпи ички маҳсулот, инфляция, давлат бюджетига оид кўрсаткичлар, валюта бошқарувининг эркинлаштирилиши каби масалалар тўғрисида маълумот олди.

Суҳбат давомида қайд этилганидек, буларнинг ҳаммаси икки томонлама ҳамкорлик ривожи ҳамда мамлакатимизга келаётган хорижий сармоя ҳажми ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Ж.РАУПОВ, ЎзА мухбири.**

Ўқинг!

***Бир гуруҳ журналистлар уюшган «жиноят»га қўл уриб, «машина ўғирлашди».*** 2-бет

***Баъзан бундай ташкилотлар кўпайиб кетди, «ҳаммаси бездельник» деган таъналар қулоққа чалинади.*** 3-бет

*Бугуннинг гапи*

## Халқ фикри — олий ҳакам

*Сўнгги пайтларда матбуот ва оммавий ахборот воситалари туб янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Журналистларимиз ўз фаолиятига янгича назар билан қараб, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан ёндашишга ҳаракат қилишмоқда. Бунга Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан йўллаган табриги муҳим омил бўлгани ҳар биримизга маълум. Қолаверса, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизда сўз эркинлиги, журналист фаолиятини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.*

*Журналист, аввалambор, халқ учун, жамият учун хизмат қилиши маълум. Шундай экан, оддий газетхонларнинг матбуот фаолиятида юз бераётган ўзгаришларга муносабатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Биз бу борада турли тоифадаги юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.*

**Абдулҳақ ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар ҳарбий прокурори:**

— Мен газета ва журналларни имкон қадар ўқишга ҳаракат қиламан. Сўнгги пайтларда матбуот ва ОАВ да танқидий мақолалар бирмунча кўпайиб қолганини таъкидлаш жоиз. Аммо кўтарилаётган муаммолар тегишли органлар томонидан ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмаса, бундай мақолалар самара келтириши мушкул.

**Ҳамид САМАТОВ, "Химреактивкомплект" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси:**

— Очиғи, газеталарда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олишга интилиш бор. Лекин уларда табиийлик етишмаётганга ўхшайди. Кўпгина мақолалар ахборот, ҳисобот тарзида. Қуруқ репортажлардан иборат мақолалар самара бермаслиги ҳақида Президент ҳукумат мажлисида ҳам таъкидлади.

Газетхон сифатида истардимки, журналистлар ҳақиқатни рўй-рост ёзишса, ҳаётимизнинг яхши томонларини «ялтироқ» қоғозга ўраб бериш билан чекланмай, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бутун моҳияти билан очиб ташлашса...

**Баҳодир ОТАҚУЛОВ, милиция ходими:**

— Журналистларнинг меҳнати ўта машаққатли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана, ҳозир уларга ўз вазифаларини тўла-тўкис бажаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Лекин очиғини айтганда, баъзи журналистлар онгида ҳамон ҳадиксираш борга ўхшайди. Касбий маҳорат, жасорат етишмаётгандек.

**Норжигит АБДУСОДИҚОВ, ишчи:**

— Бўш вақтларимда газета ёки журнал ўқишни хуш кўраман. Журналистларимиз давр ва замон руҳини тўла ҳис этишаяптими? Афсуски, йўқ. Баъзан мавжуд камчилик ва муаммолар чуқур таҳлил қилинмайди. Бу ўқувчининг маънавий эҳтиёжини қондиролмайди. Чунки у ҳам мана шу жамиятда яшаяпти. Айниқса, бизга ўхшаш тадбиркорларнинг муаммолари кам эмас. Уларнинг ечимини топишда қаламкашлар қатъий саъй-ҳаракат кўрсатишлари керак.

Очиғи, ҳозирги пайтда матбуот ва ОАВ халқдан ажралиб қолгандек. Ҳар ким ўз-ўзича. Телевизор орқали намойиш этилаётган баъзи кўрсатувлар мазмуни саёз. Айрим газеталарда чоп этилаётган мақолаларнинг тилига тушуниб бўлмайди. Ўта расмий, баъзан китобий.

**Хушнудбек САТТОРОВ, талаба:**

— Мамлакатимизда иқтидорли журналистлар кўп. Лекин уларнинг ижтимоий фаоллиги сезилмаяпти. Жўн, саёз мақолалар ҳар қадамда учрайди. Фикрлар ҳилма-хиллиги етишмайди. Журналист ақлли, жасур, шижоатли бўлиши керак. Ана шундагина унинг ёзганлари кўпчиликни эътиборсиз қолдирмайди.

*Фикрлар, мулоҳазалар... Улар кишини ўйлашга чорлайди. Мамлакатимизда демократик тамойилларни шакллантириш учун кенг йўл очилмоқда. Бугун ҳар бир фуқаро матбуотда ўз фикрини эркин ва ошкора билдириши мумкин. Афсуски, ҳозирча самара кутилганидек эмас. Баъзи ҳамкасбларимиз ҳануз ички «цензура»дан халос бўлолмаётган кўринади. Бунга сабаб нима? Ривожланган мамлакатларда журналистлар маълум соҳа ва йўналиш бўйича ихтисослашишга ҳаракат қилишади. Ўшандагина иқтисодчи билан иқтисодчидек, сиёсатчи билан сиёсатчидек, хуллас, ҳар қандай касб эгаси билан унинг тилида гаплаша олади ва шу йўл билан муайян мавзуни чуқур таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.*

*Халқ фикри — олий ҳакам. Ҳар бир журналист ўз фаолиятига ана шу мезондан келиб чиқиб ёндошса, нур устига аъло нур бўларди. Зеро, Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, халқ қувончи, ўй-фикрлари, дарди, муаммолари билан яшаш, улар ҳақида ошкора фикр айтиш, ислоҳотларни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатиш, сўзнинг кучи ва ғоявий таъсирчанлигини ошириш учун кураш вақтли матбуот олдида турган бугунги муҳим масалалардандир.*

**Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АНДИЖОНДА ПАХТА ОЧИЛДИ!



*Деҳқоннинг умиди, орзуси, йил бўйи тўккан пешона тери ўз нишонасини кўрсатди. Эртаги пахта етиштириш мактабини яратган андижонликларнинг кўнглида йил ҳосилига бўлган умид янада залворланди. Айниқса, асакалиг-у, олтинкўлликларнинг қувончлари чексиз. Ҳар икки туман далаларида бўлган киши деҳқон меҳридан яралаётган мўъжиза — чаноқларда лўппи бўлиб очилган пахтани кўргач, деҳқон қувончига шерик бўлиши табиий. Тўғри-да, андижонликлар чигит экканда, юртимизнинг айрим вилоятларида ҳали ер экишга тайёрланаётган, уруғ униб чиққанда эса ерга эндигина чигит қадаган бир пайтда андижонликларнинг жасоратга қиёслагулик меҳнатини эътироф этмаслик мумкинми?!*

*Жорий йилда 6139 гектар ерга чигит қадаган Асака тумани пахтакорлари бугун ҳам ғўза парваришини бўшаштиришмаяпти. Мақсад — йиллик режани август ойидаёқ бажариб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг ўн бир йиллигини муносиб кутиб олиш.*

**СУРАТДА:** Асака туманидаги Мамажон Ризаев номли ширкат хўжалиги пудратчиси Нафисахон Сиддиқова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «ҚУШБЕГИ АРХИВИ»НИНГ ИНГЛИЗЧА НАШРИ

**Фанда "Қушбеги архиви" деб ном олган тарихий ҳужжатлар тўпламининг бир қисми Бухоро вилоят кутубхонаси ва музейида сақланиб келинмоқда. Шарқшунос олим, ҳамюртимиз Баҳодир Қозоқов уларни узоқ йиллардан буён самарали тадқиқ қилиб келади. Ана шундай заҳматли меҳнат самараси ўлароқ, "Бухоро вилоят кутубхонаси ҳужжатлар коллекцияси" китоби чоп этилди.**

**Германияда инглиз тилида босмадан чиққан тўрт бобдан иборат рисолада мазкур тарихий ҳужжатларнинг вилоят кутубхонасидан топилиш тарихи ва кейинги тақдири, тавсифи, илмий ўрганилиши борасидаги маълумотлар жамланган. Китобга таниқли немис олими, шарқшунос Юрген Паул сўзбоши ёзган.**

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 23 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 420,56 | 1 Исландия кронаси | 9,01 | 1000 Туркия лираси | 0,46 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1194,42 | 1 Канада доллари | 491,57 | 1 Швейцария франки | 525,53 |
| 1 Дания кронаси | 103,07 | 1 Хитой юани | 91,72 | 1 ЕВРО | 765,35 |
| 1 БАА дирҳами | 206,70 | 1 Малайзия ринггити | 199,80 | 10 Жанубий Корея воны | 6,51 |
| 1 АҚШ доллари | 759,13 | 1 Польша злотийси | 188,67 | 10 Япония иенаси | 65,40 |
| 1 Миср фунти | 163,43 | 1 СДР | 1021,23 | 1 Россия рубли | 24,07 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 142,46 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# «Устозода» «Аср сифати» совриндори

**Мазкур мукофот шу йилнинг июлида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг махсус ижодий ишлаб чиқариш «Усто» бирлашмаси тасарруфидаги «Устозода» халқ санъати корхонасига берилди.**

BID — халқаро мустақил ташкилот бўлиб, Мадридда жойлашган. У коммуникация соҳасида етакчилик қилиб, иш фаолиятига яхши сифат ва мижозни қониқтиришни асос қилиб олган.

Ташкилот 1964 йилда ташкил топган бўлиб, шу кунгача бутун дунёга танилди, десак муболаға бўлмайди. Унинг таркибида хизмат кўрсатувчи халқаро саралаш қўмитаси ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишларни бир неча йиллар давомида интернет, кўргазмалар ва элчихоналар ёрдамида синчиклаб ўрганиб чиқади. Унинг мукофоти олтин, платина, брилиантдан иборат 3 та номинация бўйича берилади. Мукофотга лойиқ деб топилган ишлар 100 та пунктга жавоб бериши керак. Бу 100 та чиғириқдан ўтиш демакдир.

Бу гал омад «Устозода» корхонасига кулиб боқди. Корхонада ишланган халқ амалий санъати буюмлари BIDнинг эътирофига сазовор бўлди. Ранг-баранг мусиқа асбоблари, зардўзлик, каштачилик, мисгарлик, ганчкорлик, тилла буюмлар биринчи галда юқори сифати, қолаверса гўзаллиги билан назарга тушди.

— «Устозода» «Усто» бирлашмасининг 14 та қорхонасидан бири, — дейди, бош директор Абдураҳим Умаров. — Ана шу 14 танинг биринчиси бўлиш, ўз-ўзидан маълумки, бетиним изланиш ва меҳнат самарасидир. Бунда «Устозода» директори Феруза Турғунованинг роли катта. Усталарнинг бошини бир ерга қовуштириб, уларни улкан мақсадлар сари отлантириш, йўналтириш айтишга осон холос.

Гап айланиб, барибир, Мустақилликка тақалади. Шўро замони бўлганида биз бундай мукофотларни тушимизда ҳам кўрмаган бўлардик. Жуда нари борганда, ютуқларимиз Москвага етиб борарди-ю, у ерда сувга чўккан тошдек ном-нишонсиз йўқоларди.

Бугун замон бошқача. У изланганники, ишлаганники, меҳнат қилганники. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, сўнгги ўн йил ичида халқ амалий санъатининг эсдан чиққан, унутилган ва йўқотиб юборилган нодир намуналари қайтадан тикланди. Бугун Имом Бухорий зиёратгоҳини безаб турган уч қаватли эшиклар, замонавий иншоотларга кўрк бағишлаётган вассажуфтлар, қатор рўзғорбоп буюмлар шулар жумласидандир. Илгари гумбазларга ганч билан ишлов бериларди. Биз тавсия этган ироқи услубида эса тахталардан фойдаланилади. Бу ҳам арзон тушади, ҳам вақтни тежайди.




Миллий халқ амалий санъатини тиклаганимиз ва ривожлантирганимиз учун 1993 йили Данияда «Олтин глобус» мукофотини олгандик. Жорий йилнинг 1 июлида Женевада BIDнинг олтин — халқаро «Аср сифати» мукофотини олдик.

Тақдимот маросимида дунёнинг барча мамлакатларидан вакиллар қатнашди. Мукофотни BID президенти Хосе Э Присто топширди. Назаримда, Ўзбекистон деган сўз оққуш бўлиб, залда учиб юрди. Дунё унга ҳавас билан боқди. Ўзимнинг ва Ферузахоннинг ўша дамдаги ҳаяжонимизни сўз билан таърифлашга ожизман. Уни қалб билангина ҳис қилиш мумкин.

Абдураҳим ака билан Ферузахоннинг сўзларини тинглар эканман, улардаги ҳаяжон менга ҳам ўта бошлади. Зеро, бугун бутун дунё ҳавас қилаётган, эътироф этаётган Ўзбекистон фарзанди бўлиш, унинг озод ва ободлиги йўлида меҳнат қилиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир! Бурчдир, бахтдир!

**Г.ҲУСАНОВА.**

Ташаббус сўнмасин

*Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуалари бунёд этиш ишлари қониқарсиз аҳволдалиги таъкидлангани бежиз эмасди. Чиндан ҳам 400 мингга яқин ўсмир ва ёшларни бирлаштириб турган вилоятда спорт иншоотлари бармоқ билан санарли. Уларнинг ҳам аксарияти шаҳарларда. Қишлоқ туманларида бу долзарб масала ҳали-ҳануз ўз ечимини топадиганга ўхшамайди.*

# 11 та спорт майдони

## ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда

Нега десангиз, вилоятда 1999-2005 йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид тадбирларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетяпти. Қурилиши мўлжалланганларига ҳали-вери қўл урилиши даргумон. Истаганча баҳона ҳам, сабаб ҳам топилаётир.

Тўғри, ҳар бир маҳаллада спорт майдончаси бўлсин, деган чақириқ эшитилиб туради. Лекин, натижа-чи? Ўз маҳалласи ҳудудидан спорт майдончаси учун ер ажратишга уриниб, ниҳоясига етолмаганлар қанчадан-қанча. Жисмоний тарбия ва спортга панжа орасидан қараётган раҳбарларни эса ҳар қадамда топиш мумкин.

Хўш, шундай вазиятда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ва туман бўлимлари кенгашларининг ўрни қандай? Наҳотки, қишлоқ ва овулларда, мактаб ва маҳаллаларда оддий спорт майдончаларини яратиш шунчалик мушкул?

— Сессияда қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган хулосалар асосида энг зарур тадбирларни белгилаб олдик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси Фахриддин Солиев.

— Табиийки, бу ўринда масала маблағга бориб тақалаверади. Биласиз, қўлимиз сал калтароқ. Аммо жуда катта кучмиз. Тоғни талқон қилгудек имкониятларимиз бор. Айни пайтда 775 та бошланғич ташкилотимизда 163 мингдан ортиқ ёшлар бирлашган. Улар ёрдамида ҳар бир қишлоқда спорт майдончаларини ўз кучимиз билан қурсак, бўлади. Шу мақсадда мустақилликнинг 11 йиллиги нишонланадиган йилда 11 та спорт майдонини ҳашар йўли билан бунёд этиш ташаббусини бошладик. Азалдан ёшлар янгиликка ўч. Устигаустак, ўз қишлоғида спорт майдони яратилишини эшитганлар беминнат ёрдамга ошиқмоқдалар. Қисқа фурсатда ташландиқ ерларда 5 та спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Эндиликда қишлоқ ёшлари ўша майдонларда спортнинг бир қатор турлари билан шуғулланмоқдалар.

Биз Қизилтепа туманидаги Зарметан қишлоғида қурилган спорт майдонини кўздан кечирдик. Ажабтовур ям-яшил стадион. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши раиси Фазлиддин Темировнинг таъкидлашича, спорт майдони қурилишида қишлоқ ёшларига Темир Малик ҳиссадорлик жамияти, «Кураш бобо» фермер хўжалиги, «Янги кимёвий технологиялар» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси катта ёрдам кўрсатибди.

Шу туманнинг «Меҳнат — роҳат» ширкат хўжалигининг Манғит қишлоғидаги спорт майдончасини бунёд этишга бор-йўғи 20 кун кифоя қилгани бу жараён баъзилар ўйлаганчалик мушкул иш эмаслигидан далолат.

Келгусида Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги, Навбаҳор туманидаги Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий шаҳридаги Янгиқишлоқ маҳалласи ҳудудидаги майдончаларда машғулот ўтказаётган ёшлар орасидан кўплаб истеъдодлар етишиб чиқиши аниқ.

— Биласизми, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус билан иш юритиш олдида турган тўсиқларни енгиб ўтишга имкон яратаркан, — дея фахрланиб сўзлайди Конимех туманининг энг олисда жойлашган Абай номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мустафо Эгамқулов. — Ёшларимиз, айниқса, спорт йўриқчиси Биржон Исмоилов бошқарувни замонавий спорт мажмуи бунёд этишга кўндирди. Айни пайтда бу ишлар жадал давом этаяпти. Қурилишга ёшларнинг ўзлари бош-қош. Мазкур маскан кўплаб спорт турлари бўйича қулайликларга эга бўлади. Ёрдамни аямаймиз. Бўлғуси мажмуа ёшларнинггина эмас, хўжалигимиз аҳлининг энг севимли жойига айланади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги аср таълими: изланиш ва натижалар

# ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

***Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва жаҳон андозаларига етказиш мақсадида Андижон қишлоқ хўжалик институтида хорижий давлатлар ўқув юртлари тажрибаларини ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Бу борадаги дастлабки қадамлар Европа Иттифоқининг TACIS дастурига мувофиқ Буюк Британиянинг «Ноу-хоу» жамғармаси ёрдамида Шотландия қишлоқ хўжалик коллежи билан алоқаларнинг йўлга қўйилишидан бошланди. Қиймати 29 минг фунт-стерлингни ташкил этган мазкур ҳамкорлик доирасида институт профессор-ўқитувчиларидан етти нафари Шотландияда бўлиб, қишлоқ хўжалик коллежи ўқув-услубий ва илмий ишлари билан танишдилар. Ўз навбатида шотландиялик профессорлар ҳам икки марта институтимизга ташриф буюриб, маъруза ва амалий машғулотлар ўтказдилар, илмий тадқиқот ишлари билан танишдилар. Мазкур лойиҳа бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлилига бағишланган Санкт-Петербург, Москва ва Олмаота шаҳарларида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда институтимизнинг беш нафар профессор-ўқитувчиси иштирок этди. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш бўйича институтимизда ўтган илмий-амалий анжуманда эса хорижлик ҳамкорларимиз ҳам қатнашдилар.***

«Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури» деб номланган TACIS-RADR лойиҳаси бўйича фермерлар учун 64 соатлик қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Уларда Фарғона водийси вилоятлари фермерларидан 48 нафари таҳсил олди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти билан ҳамкорликда TASIS лойиҳасини бажаришда қатнашаётган олимларимиз Андижон вилояти фермерлари фаолиятини ўрганиб, улар иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказдилар. Илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Институтимиз олимлари Америка Қўшма Штатларининг Мериленд университети билан «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ўқув юртларида янги қишлоқ хўжалик технологиялари материаллари бўйича масофадан ўқитишни жорий этиш» лойиҳаси бўйича алоқа ўрнатганлар. Тошкент Давлат аграр университети билан бирга бажарилаётган мазкур лойиҳанинг қиймати 700 минг АҚШ долларини ташкил этади. Сўнгги йилларда халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, профессор-ўқитувчиларимиз Англия, Австрия, Шотландия, Россия каби хорижий давлатларда малака оширдилар, бу ерлардаги илмий анжуманларда иштирок этдилар. Иқтисод факультети талабаси Сойибжон Васиев Буюк Британиянинг Суррей университетида магистр даражаси олиш учун таҳсил олмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари соҳасидаги халқаро алоқаларимиз ҳам кенгайиб бормоқда. Бу борада институтимиз жамоаси шу йилнинг ўзида иккита грант соҳиби бўлганлиги алоҳида таъкидлашга арзийди. Институтимиз олимлари Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалик департаменти гранти асосида буғдой навларини синаш йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Уч йилга мўлжалланган мазкур ишнинг қиймати 15 миллион 582 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Жамоамиз Европа иттифоқининг TACIS-ТЕМПУС лойиҳасига эълон қилинган тендерда иштирок этиб, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўқув дастурларини яратиш борасидаги лойиҳани ютиб чиқдилар. Қиймати 389 минг Евро бўлган мазкур лойиҳани бажаришда Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, Буюк Британиянинг Лисфаси коллежи, Австриянинг Вена аграр университети, Германиянинг Гамбург техника университетидаги ҳамкасблар билан ҳамкорликда иш олиб бориладн. Мазкур лойиҳа бўйича ҳар йили ўзбекистонлик 30 нафар профессор-ўқитувчилар Европанинг бу нуфузли ўқув юртларида малака оширишлари кўзда тутилган. Шунингдек, бу ўқув юртлари билан талабалар алмашинуви ҳам режалаштирилмоқда. Институтимизнинг яқиндагина АҚШ «Таълим тармоқлари» халқаро ривожланиш агентлигининг АКСЕЛС ташкилотига аъзо бўлганлиги профессор-ўқитувчиларимизга хорижий давлатлар ўқув юртларига хизмат сафарига, малака оширишга боришлари учун яна янги имкониятлар очиб беради.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши ўқув жараёнида замонавий техник воситалардан фойдаланиш ва янги педагогик технологияларни қўллаш кўламини кенгайтириш учун имкон бермоқда. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мақсадида ташкил этилган махсус компьютер синфларида бир вақтнинг ўзида 14 нафар талаба, аспирант ёки профессор-ўқитувчилар интернет тармоғига уланган компьютерлар билан шуғулланишлари мумкин. Халқаро ҳамкорлик натижасида эришаётган ютуқларимиз, шубҳасиз, тайёрланаётган мутахассисларимиз сифати ва савиясининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

**Толибжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Андижон қишлоқ хўжалик институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.**

*Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ниҳол» мукофоти танловини ўтказиш комиссияси ҳамда «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.*

# «Ниҳол-2002»

Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида мазкур танловнинг ғолиблари аниқланади. Бу йилги танловда иштирок этиш учун 118 нафарга яқин номзод рўйхатга олинди.

Танлов ўнта йўналиш бўйича ўтказилади. Ижодкорларни баҳолашда уларнинг ижро маҳорати, қўшиқлар матни ва мусиқага алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, энг яхши қўшиқ муаллифи, энг яхши бастакор йўналишлари бўйича алоҳида мукофотлар таъсис этиш юзасидан фикрлар билдирилди. Номзодларни рўйхатга олиш 1 августга қадар давом этади. Ниҳол мукофотини топшириш маросими Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтади.

**«Туркистон-пресс».**

# Минибанк хизматга тайёр

**Самарқандда республика «Алоқабанк»ининг вилоят филиали очилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ана шу қисқа давр орасида янги банк талай мижозларни жалб эта олди.**

**Яқинда Иштихон тумани марказида «Мини алоқабанк» ўз фаолиятини бошлади. 100 дан ортиқ мижоз ана шу минибанк билан ишлаш истагини билдирди.**

**Эндиликда мазкур банк Иштихондаги «Пахтабанк», «Савдогарбанк», Халқ банки бўлимлари билан соғлом рақобат асосида фаолият юритади. Тез кунларда Ургут ва Каттақўрғон туманларида ҳам шундай минибанкларни ташкил этиш режалаштирилган.**

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






Ҳикмат

*Ки ҳар ким*
*бўлса доною*
*сухандон,*
*Бўлур ҳар ерга*
*борса шоду хандон.*

# САВОЛ БИЗДАН...

**Четга асосан чарм экспорт қиладиган, миллий валютаси накфа бўлган давлат қайси? Унинг пойтахти қайси шаҳар?**

**136-35-60**

**Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:**
*Бу гапларни XIV асрда яшаб ўтган марокашлик машҳур сайёҳ Ибн Баттута ёзиб қолдирган.*


**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармаси**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:**

1. ***Балиқчи тумани прокуратураси биносини қайта таъмирлаш. Ишларни тугаллаш муддати — 2002 йил IV-чорак.***

*Буюртмачи:* ***Балиқчи тумани прокуратураси.***

*Таъмирлаш ишларини молиялаштириш Республика прокуратурасига ажратилган маблағ ҳисобига амалга оширилади.*

2. ***Андижон тумани, Найман қишлоғидаги «Андижончигит» ўзбек-юнон қўшма корхонаси қурилиши. Ишларни тугаллаш муддати — 2002 йил III-чорак.***

*Буюртмачи:* ***«Андижончигит» ўзбек-юнон қўшма корхонаси.***



*Қурилиш ишларини молиялаштириш «Андижончигит» ўзбек-юнон қўшма корхонасига ажратилган маблағ ҳисобига амалга оширилади.*

*Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:* **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А»- уй. Телефон: 24-72-79.**

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.**
**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — 2002 йил 5 август.**
**Оферталар очилиш куни ва соати эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А»-уй. Телефон: 24-72-79.**

6049/1446


Маҳалламиз — уйимиз

# Жамғарма уйили бўлди

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари, жумладан, фуқаролик институтларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаяпти. Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир неча йилдан буён бўш турган маиший хизмат биноси ҳокимлик ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси Темирйўл тумани бўлими ихтиёрига берилди. Шундан сўнг умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, маънавий ва маърифат фидойилари, қисқаси ёшу-қари Гагарин кўчасида «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан янги бино барпо этдилар. Бу янги серфайз кошона «Маҳалла», «Нуроний», «Байналмилал», «Қизил ярим ой», «Соғлом авлод», «Ногиронлар», «Меҳр-шафқат», «Гўзаллик салони» каби тузилмалар учун ажратиб берилди. Уларнинг барчаси техник ва кўргазмали воситалар, хона жиҳозлари билан таъминланди. «Маҳалла» жамғармасига шаҳар ҳокимлиги томонидан компьютер совға қилинди. Марказда тўй-маъракалар, йиғилишлар ўтказиш учун 300 ўринли зал мавжуд. Даъваткор лавҳалар, сермазмун плакатлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Кўҳна тарихимиз, қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, Президентимиз асарлари, газета ва журнал тахламлари билан танишиш учун барча имконият бор.

Марказнинг очилишида маҳалла-кўй, жамоатчилик вакиллари, юрт ифтихори бўлган онахон ва отахонлар иштирок этдилар. Меҳмонлар учун тўкин дастурхон ёзилди, санъаткорлар дилрабо куй ва қўшиқлари билан хизматда бўлишди.

**Тангир САТТОРОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Самарқанд шаҳар, Темирйўл тумани бўлими раҳбари.**


«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси адлия маслаҳатчиси Норпўлат Жўраевга онаси **Момохон ЖЎРАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«COSCOM» компаниясининг жамоаси маркетинг раҳбари Азимжон Орифжоновга волидаи муҳтарамаси **Маъсуда ая ТЎЛАГАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар «Учқун» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти, касаба уюшмаси ва жамоаси корхона раҳбари ўринбосари Маҳмуджон Орифжоновга волидаи муҳтарамаси **МАЪСУДА АЯнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ташмалитекс» қўшма корхонаси жамоаси «Учқун» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари ўринбосари Маҳмуджон Орифжоновга волидаи муҳтарамаси **МАЪСУДА АЯнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 576, 36491 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30.*
1 2 3 4 5 6